НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«12» сентябрь 2018 y. № 723 Toshkent sh.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Андижон вилоятининг Марҳамат туманини иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, туризмни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳаёт даражасини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

республика ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларни уйма-уй айланиб чиқиш, ижтимоий соҳа объектларига ташриф буюриш орқали Андижон вилояти Марҳамат туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар комплекс ўрганиб чиқилганлиги;

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўрганиш якунлари бўйича маҳалла, туман ва вилоят даражаларида ҳал этилиши талаб қилинадиган тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018-2019 йилларда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида кафолатли иш ўринлари ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг манзилли рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрларининг сўзсиз бажарилишини ҳамда бу борада инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини, ишлаб чиқаришнинг мўлжалланган ҳажмлари ўзлаштирилишини ва янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

муаммоли масалаларни мунтазам равишда кўриб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан тезкор ва амалий зарур чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда лойиҳалар бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин.

НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

4. Андижон вилояти ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан келишган ҳолда, лойиҳаларнинг қийматини ва иш ўринлари сонини сақлаб қолиш шарти билан лойиҳаларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатига, заруратга кўра, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Андижон вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Андижон вилояти Марҳамат туманининг "Қорақўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўш турган ўқув-машғулот базаси бино ва иншоотларини Андижон вилояти ҳокимлигига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул бериш;

Андижон вилояти Марҳамат туманининг "Қорақўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига фойдаланишга берилган 44,6 га ер майдонини Андижон вилояти Марҳамат тумани ҳокимлиги захира ерига ўтказиш ва ушбу ҳудуднинг 5 га ер майдонида Марҳамат кичик саноат зонасини (кейинги ўринларда кичик саноат зонаси деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Андижон вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда Марҳамат кичик саноат зонаси дирекциясини ташкил этсин.

7. Андижон вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда Марҳамат туманидаги "Мингтепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг Бобуршоҳ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 7,5 сотих бўлган ер участкасида "Ёшлар меҳнат гузари" мажмуасини ва "Ёш тадбиркорлар" коворкинг марказини масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этсин ҳамда мазкур объектлар қурилишига давлат-хусусий шерикчилиги асосида инвесторларни жалб этиш ва 2019 йил якунига қадар фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда янги турдаги юқори оқсилли омихта ем ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларини жорий этиш, доривор ўсимликлар ўстириш учун плантациялар ташкил этиш ва қурилиш материаллари учун тез ўсувчи дарахтларнинг янги турлари (павлония)ни кўпайтириш, фармацевтика саноати учун биологик фаол қўшимчалар олишга қаратилган доривор ўсимликларни қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари, биогаз ускуналари, сув чиқариш мосламаларини яратиш каби вазифаларни бажаришга, шунингдек, фермерларни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион технологиялар билан таништиришга мўлжалланган маслаҳат пунктларини ўз ичига олган Инновацион полигонни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Инновацион полигонда амалга ошириладиган илмий ишланмаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини жалб этиш чораларини кўрсин.

НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда археологик объектлар ҳудудини консервация қилишни, музей ва ахборот-ресурс маркази ташкил этишни назарда тутувчи "Мингтепа" археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Андижон вилояти ҳокими, тегишли секторлар раҳбарлари Андижон вилояти Марҳамат туманида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишини комплекс ўрганиш натижаси бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" бажарилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

А. Арипов

НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "12" сентябрдаги 723-сон қарорига
илова

2018-2019 йилларда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида кафолатли иш ўринлари ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг мақсади	Йиллик қувват			Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи			Хизмат кўрсатувчи банк	Ишга тушириш муддати	Янги иш ўринлари
			ўлчов бирлиги	натура қийматида	млн сўм		ўз маблағлари (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг АҚШ долл)			
ЖАМИ - 63 та лойиҳа				**27 536**	**109 318**	**191 585**	**74 880**	**102 714**	**1 075**		**x**	**1 536**
Саноатни ривожлантириш соҳаси - 25 та лойиҳа				**0**	**63 176**	**45 728**	**19 972**	**12 964**	**925**		**x**	**942**
Хизмат кўрсатиш соҳаси - 22 та лойиҳа				**17 678**	**31 919**	**128 930**	**48 290**	**80 640**	**0**			**431**
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳаси - 16 та лойиҳа				**9 858**	**14 224**	**16 928**	**6 618**	**9 110**	**150**			**163**
I. САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИ												
1	"Аббос мерос текстиль" МЧЖ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	минг дона	220	770	1 250	250	1000		"Ипак йўли банк" АТБ	01.12.2018	20
2	"Шифо асал дармон" МЧЖ	Асал қадоқлаш дастгоҳларини ўрнатиш	тонна	10	300	450	450			"Алоқабанк" АТБ	01.05.2019	4
3	"Марҳамат равнақи" ФХ	Собиқ Марҳамат электротехника заводи негизида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	675	1600	3 220	1220	2000		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	125
4	"Водий ҳамкор агрофирма" МЧЖ	Қуён гўштини қайта ишлаш, қуён мўйнасига ишлов беришни ташкил этиш	тонна минг п.м.	50	1200	1 500	1500			"Микрокредитбанк" АТБ	01.12.2018	50
5	ЯТТ "Пармонов Миробиддин"	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	20	130	150	86	64		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2018	20
6	"Brothers garden UK" LTD	Ҳандон ниста қадоқлашни ташкил қилиш	тонна	48	2500	1 418			175	"Ўзмиллийбанк"	01.11.2019	20
7	"Белфорд" ҚК	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	дона	35000	2700	2 025			250	"Ўзмиллийбанк"	01.07.2019	15
8	"Иссиқлик манбаи" ХК	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	38	325	800	500	300		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	50
9	"Соҳибқирон ҳамкор АНД" МЧЖ	Тўқув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	33	290	700	500	200		"Ўзмиллийбанк"	01.07.2019	30
10	"Иқбол мингтепа жилоси" ХК	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	минг дона	18	195	228	58	170		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.11.2018	19
11	ЯТТ "Мамадалиева Нодирахон"	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	66	59,5	270	20	250		"Агробанк" АТБ	01.12.2018	15
12	"Барҳаёт Нозимжон файзи" МЧЖ	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	35	12250	9 100	7500	1600		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	320
13	"Андижон регион авиа" МЧЖ	Миллий ширинликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	71	1150	5 000	2000	3000		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.12.2018	30
14	"Темур анд малик" МЧЖ	Мевани қайта ишлашни ташкил этиш	тонна	280	5400	5 449				"Асакабанк" АТБ	01.12.2018	23

НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

15	ЯТТ"Акбаров Абдупатто"	Бетон ғишт ва брусчатка ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	45	295	100	100	0		"Агробанк" АТБ	01.11.2018	7
16	"Марлен глове" МЧЖ	Пўкак ва мачалка маҳсулотлари ишалб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	20,6	1900	3 900			500	"Ҳамкорбанк" АТБ	01.11.2019	21
17	"Шинам қурилиш жиҳозлари" МЧЖ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	200	2400	1 000	1000	0		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.03.2019	10
18	ЯТТ "Тоштемирова Сапура Музаффар қизи"	Бетонли ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	600	1800	250	80	170		"Алоқабанк" АТБ	01.12.2018	7
19	"Мустафо савдо қурилиш" МЧЖ	Темир - бетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	350	7000	4 000	3000	1000		"Ўзмиллийбанк"	01.06.2019	60
20	"Мустафо савдо қурилиш" МЧЖ	Газ-блок ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	168	4200	1 000	500	500		"Ўзмиллийбанк"	01.06.2019	20
21	"Мустафо савдо қурилиш" МЧЖ	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	50	250	500	350	150		"Ўзмиллийбанк"	01.06.2019	20
22	"Аъло сифат барака" МЧЖ	Нон ва қолипли нон маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	42	201	150	50	100		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.12.2018	8
23	"Аср қурилиш замон" ХФ	Бетон ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	140	210	400	100	300		"Агробанк" АТБ	01.11.2019	8
24	"Сулаймон қурилиш инвест" МЧЖ	Тошни майдалаб, бетон плита ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	720000	15600	2 500	500	2000		"Агробанк" АТБ	01.12.2019	30
25	"Бобоев Қурбонали"ОК	Алюминий профиль ва пластик ишлаб чиқаришни ташкил этиш	дона	2000	450	368	208	160		АТ "Халқ банки"	01.12.2018	10
Саноат соҳаси - 25 та лойиҳа					**63175,5**	**45 728**	**19972**	**12964**	**925**			**942**
	II. ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИ											
1	"Орифжон шифо маскани" МЧЖ	Соғломлаштириш марказини барча қулайликлари билан ташкил этиш	ўрин	450	420	1 200	300	900		"Ипак йўли банк" АТБ	01.11.2018	10
2	"Ижодкор уста" МЧЖ	Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш	минг тонна	18	245	700	200	500		"Алоқабанк" АТБ	01.12.2018	2
3	"Durur sarqadam sarkor" МЧЖ	Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш	минг тонна	120	175	500	150	350		"Алоқабанк" АТБ	01.12.2018	3
4	"Мархамат метан" МЧЖ	Автомобилларга газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш	м\куб	2000	980	2 800	500	2300		"Ипак йўли банк" АТБ	01.11.2018	12
5	"МДЮ" МЧЖ	Суюлтирилган газ (пропан) шохобчасини ташкил этиш	м\куб	1500	875	2 500	500	2000		"Агробанк" АТБ	01.08.2019	12
6	"Феникс савдо барака" ХК	Савдо мажмуаси бино ва иншоотлари қурилишини тугаллаш	ўрин	150	455	1 300	300	1000		"Ўзмиллийбанк"	01.11.2018	20
7	"Муборак савдо барака" ХК	Таркибида жисмоний машқлар зали мавжуд меҳмонхона қуриш	ўрин	210	630	1 800	1000	800		"Ўзмиллийбанк"	01.11.2019	25
8	"Мархамат спорт комплекси мажмуаси" МЧЖ	Қишки ва ёзги бассейн қуриш	ўрин	175	472,5	1 350	650	700		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2018	5
9	"Олимжон олимп люкс" ХК	Стадион ва спорт майдончалари қуриш	ўрин	90	122,5	350	80	270		"Ўзмиллийбанк"	01.11.2018	8
10	"Барҳаёт Нозимжон" МЧЖ	Аҳолига умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш	ўрин	140	600	4 000	3500	500		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	15
11	"Жасмина қувноқ болажон" НТМ	Нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	ўрин	150	750	2 500	1000	1500		АТ "Халқ банки"	01.12.2018	16
12	"Мусаффо савдо қурилиш" МЧЖ	Савдо ва кўнгилочар марказни ташкил этиш	ўрин	1200	8225	25 000	15000	10000		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	120

НБДЗ: № 09/18/723/1873
от 13.09.2018 г.

13	"Буюк маскан" МЧЖ	Интенсив баликчиликни ривожлантириш, балик махсулотлари ишлаб чикариш, туризм ва дам олиш масканлари барпо этиш	ўрин	1250	11440	52 000	12000	40000		"Ипотекабанк" АТИБ	01.07.2019	40
14	"Болалар академияси" НТМ	Нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	ўрин	150	270	7 500	2500	5000		АТ "Халқ банки"	01.11.2018	20
15	"Marhamat agroservis" МЧЖ	Қишлоқ хўжалигига хизмат курсатиш учун техника сотиб олиш	гектар	9000	779,97738	6 500	1499,9565	4999,855		"Агробанк" АТБ	01.11.2018	17
16	"Тўмарис хоним" НТМ	Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш	ўрин	50	190	694	694			АТ "Халқ банки"	01.01.2019	6
17	"Билим - келажак пойдевори" МЧЖ	Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш	ўрин	120	450	2 500	1000	1500		АТ "Халқ банки"	01.01.2019	16
18	"Келажак фарзандлари" НТМ	Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш	ўрин	100	380	3 086	786	2300		АТ "Халқ банки"	01.01.2019	12
19	ЯТТ "Тешабоева Фотимахон"	Спорт мажмуаси ташкил этиш	ўрин	200	75	250	100	150		"Агробанк" АТБ	01.12.2018	5
20	"Малҳам имкон барака" МЧЖ	Хусусий диагностика ва стационар даволаниш маркази ташкил этиш	ўрин	30	130	400	330	70		"Агробанк" АТБ	01.12.2018	7
21	"Абдували транс сервис" МЧЖ	Аҳолига маиший хизмат курсатишни ташкил этиш	ўрин	75	254	1 000	500	500		"Агробанк" АТБ	01.03.2019	30
22	"Мархамат метан газ" МЧЖ	Деҳкон бозорини кайта реконструкция килиш	ўрин	500	4000	11 000	5700	5300		"Ўзмиллийбанк"	01.12.2019	30
	Хизматлар кўрсатиш соҳаси жами - 22 та лойиҳа			**17678**	**31918,97738**	**128 930**	**48289,9565**	**80639,855**				**431**
	III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИ											
1	"Шоматлик Улуҳбек паррандаси" МЧЖ	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	11,4	124,83	400	300	100		"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	01.11.2018	5
2	"Юксалиш буюк сари" ФХ	Қорамолчиликни ташкил этиш	бош	100	1056	2 000	1000	1000		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.12.2018	15
3	"Шахина бону" ФХ	Музлатгичли омборхона ташкил этиш	тонна	400	280	450	50	400		"Агробанк" АТБ	01.12.2018	5
4	"Сара сабзавот бизнес" ФХ	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	300	3285	500	200	300		"Агробанк" АТБ	01.06.2019	15
5	"Фаол тадбиркор 2018" МЧЖ	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	300	4200	6 000	2000	4000		"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	01.12.2018	18
6	"Ровот сара чорваси" МЧЖ	Қўйчиликни ташкил этиш	бош	600	546	600	100	500		"Ўзмиллийбанк"	01.07.2019	10
7	"Нафис гуллар таровати" МЧЖ	Паррандачиликни ривожлантириш	минг бош	100	500	500	300	200		"Алокабанк" АТБ	01.11.2018	8
8	ЯТТ "Абдумажидов Хошимжон"	Чорвачиликни ривожлантириш	бош	100	610	1 000	1000			АТ "Халқ банки"	01.12.2018	10
9	"Икромжон савдо саноат" МЧЖ	Совутгичли сиғимлар ташкил этиш	тонна	700	200	600	430	170		"Ўзмиллийбанк"	01.08.2019	10
10	"Brothers garden UK" LTD	Янги навдаги интенсив хандон писта боғи ташкил этиш	гектар	31	2160	1 200			150	"Ўзмиллийбанк"	01.07.2019	6
11	ЯТТ "Қамбаров Ғуломжон"	Қуёнчиликни ташкил этиш	бош	130	102	300	130	170		"Микрокредитбанк" АТБ	01.12.2018	6
12	ЯТТ "Махамматова Холидахон"	Паррандачиликни ривожлантириш	бош	6000	60	60	40	20		АТ "Халқ банки"	01.11.2018	10
13	"Мархамат бунёдкор чорвадор" ФХ	Совутгичли сиғимлар ташкил этиш	тонна	500	160	1 000	500	500		АТ "Халқ банки"	01.12.2018	20
14	"Рожий Мансур" ФХ	Чорвачиликни ривожлантириш	бош	85	430	850	50	800		"Ҳамкорбанк" АТБ	01.10.2018	6
15	"Фарм ишонч барака" МЧЖ	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,5	350	468	118	350		"Инфинбанк" АТБ	01.12.2018	7
16	ЯТТ "Абдурахимова Гулчирой"	Музлатгичли омборхона ташкил этиш	тонна	500	160	1 000	400	600		"Алокабанк" АТБ	01.12.2018	12
	Қишлоқ хўжалиги соҳаси жами - 16 та лойиҳа			**9 858**	**14 224**	**16 928**	**6 618**	**9 110**	**150**			**163**